



EPIDEMIOLOGY AND PREVENTION OF HIV INFECTION IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Nematova Nigora Urokovna

Assistant of the Department of Epidemiology, Tashkent Medical Academy, Ph.D.

Email: nigoraepid70@mail.ru; tel: +998998463139

Abdukaharova Muattarkhon Fakhrudinovna

Associate Professor of Epidemiology, Tashkent Medical Academy, Ph.D.

Mail: muattarxon.abdukaxarova@tma.uz tel: +998977264434

(Uzbekistan, Tashkent)

Abstract

Human Immunodeficiency Virus (HIV) is a chronic progressive anthroponotic disease with a contact transmission mechanism, which leads to specific damage to the immune system and the development of severe immunodeficiency. Due to its socio-medical and demographic significance, HIV infection is one of the most pressing problems of modern healthcare.

Every year around the world, 2.5 million people are infected with HIV.

According to the United Nations Program on HIV / AIDS Infection (UNAIDS), there are currently 38 million people living with HIV world-wide.

Currently, HIV infection in Uzbekistan is detected among various groups of the population. In 2017, 4025 HIV-infected people were registered, and in 2018, there were 4060 people. In 2019, the incidence rate was 3983 people, and in 2019, the incidence rate decreased slightly.

Keywords: HIV infection, epidemiology, infection rate, morbidity, prevention

Аннотация: Вирус иммунодефицита человека (ВИЧ) является хроническим прогрессирующим антропонозным заболеванием с контактным механизмом передачи, приводит к специфическому поражению иммунной системы и развитию тяжелого иммунодефицита. Из-за своей социально-медицинской и демографической значимости ВИЧ инфекция является одной из наиболее актуальных проблем современного здравоохранения.

Ежегодно во всем мире 2,5 миллиона людей заражаются ВИЧ инфекцией.

По данным Программы Организации Объединенных Наций по ВИЧ/ СПИД инфекции (ЮНЭЙДС), в настоящее время во всем мире насчитывается 38 миллионов человек, живущих с ВИЧ инфекцией.



В настоящее время ВИЧ-инфекция в Узбекистане выявляется среди различных групп населения. В 2017 году было зарегистрировано 4025 ВИЧ-инфицированных, а в 2018 году их было 4060 человек, В 2019 году частота заболеваемости составила 3983 человек, а в 2019 году уровень заболеваемости несколько снизился.

Ключевые слова: ВИЧ-инфекция, эпидемиология, инфицированность, заболеваемость, профилактика.

Аннотация:

Одам иммун танқислиги вируси (ОИВ) - контакт (мулоқат) механизми билан юқувчи, антропоноз сурункали юқумли касаллик бўлиб, асосан организмнинг иммун тизимини ишдан чиқариши билан характерланади. ОИВ инфекция замонавий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, ижтимоий-тиббий ва демографик аҳамиятга эга.

Ҳар йили дунё аҳолисининг 2,5 миллиони ОИВ инфекцияси билан зарарланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИВ/ОИТС инфекцияси бўйича дастури (ЮНЭЙДС)га кўра, бугунги кунда дунё бўйича 38 миллион ОИВ-инфекцияси билан яшаётган шахслар ҳисобга олинган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ОИВ-инфекцияси аҳолининг турли гуруҳлари орасида аниқланмоқда. 2017 йил ОИВ инфекцияси билан касалланган 4025 киши рўйхатга олинган бўлса, 2018 йилда 4060 киши ва 2019 йилда касалланиш даражаси 3983 кишини ташкил этди. 2019 йил касалланиш кўрсаткичи бир оз камайганлиги кузатилди.

Калитсўзлар: ОИВ инфекцияси, эпидемиология, зарарланиш, касалланиш, профилактика.

Мавзунинг долзарблиги

Одам иммун танқислиги вируси (ОИВ)-кантакт (мулоқат) механизми билан юқувчи, антропоноз ўткир юқумли касаллик бўлиб, асосан организмнинг иммун тизимини ишдан чиқиши билан характерланади [1].

ОИВ инфекцияси замонавий тиббиётнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб, ижтимоий-тиббий ва демографик аҳамиятга эга. Сир эмаски, одамнинг иммунитет танқислиги вируси оқибатида келиб чиқадиган касаллик, яъни ОИТС касаллиги бугунги кунда барча мамлакатлар учун муҳим муаммога айланган. Ушбу касаллик аҳолининг айни меҳнатга қобилиятли қисмини зарарлаши ва касалликни даволашга кетадиган сарф-харажатларнинг катталиги нафақат тиббий-ижтимоий муҳит, балки, иқтисодий тараққиётга ҳам салбий таъсир этмоқда. Шу боис, инсон саломатлиги ва келажак авлодлар камолотига жиддий таъсир этаётган бу тиббий-



ижътимой муаммога қарши курашиш ва унинг олдини олиш инсоният олдидаги муҳим вазифадир. 1 декабрь – Бутунжаҳон ОИТСга қарши кураш кунининг кенг миқёсда нишонланишидан кўзланган мақсад ушбу глобал тиббий-ижтимоий муаммога инсоният эътиборини жалб этишдир [2, 8].

ОИВ-инфекциясининг эпидемияси дунёвий масштаб тусини олди ва ҳамон, ҳаттоки вирус кашф этилганидан 40 йил ўтиб ҳам тарқалишни давом этмоқда. Ҳар йили дунё аҳолисининг 2,5 миллиони ОИВ инфекцияси билан зарарланади. Европадаги ОИВ-инфекцияси беморларининг 50% га яқини ўз ОИВ-статусларини билмасликлари туфайли ОИВ - инфекцияси эрта диагностикасининг муаммолари бугунги кунда ҳам ўта долзарб ва ечимини топмаган муаммолигича қолиб кетмоқда [3, 7].

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ОИВ/ОИТС инфекцияси бўйича дастури (ЮНЭЙДС)нинг берган маълумотларига кўра, бугунги кунда дунё бўйича 38 миллион ОИВ-инфекцияси билан яшаётган шахслар ҳисобга олинган [4,9].

Россияда 2019 йил ҳолатига кўра ОИВ инфекциясининг юқтириб олганлар сони 1.068 миллионга етган. Шулардан 70,5 % диспансер назоратида туради. Янги зарарланганлар сони 94668 та, шулардан 36868 тасида ўлим ҳолати қайт этилган. Статистик маълумотларга қарайдиган бўлсак эркаклар ўртасида энг кўп зарарланганлар 30-40 ёшдагилар - 4% ни, аёллар ўртасида зарарланганлар 30-30 ёшлилар 2-3% ни ташкил этади. Асосий юқиш йўли жинсий юқиш йўли етакчи ўринларни эгаллайди [5].

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ОИВ-инфекцияси аҳолининг турли гуруҳлари орасида аниқланмоқда. 2017 йил ОИВ инфекцияси билан касалланган 4025 киши рўйхатга олинган бўлса, шулардан эркаклар-2293, аёллар-1732 нафарни ташкил этган. 2018 йилда 4060 киши, шулардан эркаклар-2303, аёллар эса-1757 кишига етган. 2019 йилда касалланиш даражаси 3983 кишини ташкил шулардан эркаклар-2303, аёллар эса-1757 нафарга етган. 2019 йилда касалланиш кўрсаткичи бир оз пасайганлиги кузатилди [6].

Тадқиқотнинг мақсади: ОИВ-инфекцияси тарқалганлигининг эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш ва унинг профилактикасини такомиллаштириш.

Тадқиқот материалари: ОИВ-инфекцияси эпидемиологик хусусиятларини ўрганиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ОИВ/ОИТС касаллигига қарши курашиш маркази ОИВ-инфекцияси билан касалланиш бўйича олинган 2000-2019 йиллардаги расмий маълумотлари.



Тадқиқот натижалари ва хулосалар. Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда ОИВ-инфекциясида нисбатан ҳозирги ҳолат қуйидагича. Ушбу инфекция турли хил маъмурий ҳудудлар ва аҳоли гуруҳлари орасида нотекис тарқалиши аниқланди. Касалликнинг кўп йиллик динамикада 2000-2018 йиллар ҳолати бўйича, 2000 йил ОИВ билан рўйхатга олинганлар сони 154 нафарни, 2009 йилда ҳамда 2013 йилларда бир оз касалланиш динамикаси бир оз кўтарилганлигини, 2009 йилда 4016 та, 2013 йилда 4047 ҳолатга, яъни ушбу вақт оралиғида касалланиш динамикаси 231 кишига ошганлиги кузатилган. 2018 йилда 3032 ҳолат қайт этилган бўлиб, бошқа йилларга нисбатан касалланиш динамикаси бир оз пасайганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон Республикасида ОИВ инфекцияси касалланиш динамикаси (1987- 2017 йилдан 2018 йилгача)

Жинслар бўйича ОИВ-инфекциясининг ретроспектив эпидемиологик таҳлил натижаларига кўра касалланиш таркибида янги ҳолатларнинг қайт этилганини кўрамиз, 2000 йилда касалланиш кўрсаткичи эркеклар ўртасида 83,8%, аёллар орасида 16,2% ташкил этган. Агарда 2005-2016 йилларда янги рўйхатга олинган орасида эркеклар ва аёлларнинг улушини таққослайдиган бўлсак 2005 йилда 78,3% ва 23,7%, 2016 йида 55,4 % 44,6% ташкил этган. Аёллар улуши 2016 йил билан 2000 йиллар оралиғида 2,6 % ошганлигини, 2005 йил билан солиштирганимизда эса 2,1% ошганлигини кўрсатади. Аёллар улушини кўрсаткич сабаблари эркекларга нисбатан текширувларга кўпроқ мурожат этишларидир.

2017-2018 йилларда касалланиш кўрсаткичларини солиштирадиган бўлсак, 2017 йилда эркеклар ва аёллар орасида 57,0% ва 43,0%, 2018 йилда эса 56,7% ва 43,3%



ташқил этади. Ушбу йиллар оралиғида эркеклар ва аёллар орасида касалланиш кўрсаткичи 0,3% камайганлигини кўрамыз (2-расм).



2-расм. ОИВ инфекцияси жинслар бўйича таҳлили (2000-2018 й.й.) (%)

Республикада “Одамнинг иммунитет танқислиги вируси (ОИВ инфекцияси) туфайли келиб чиқадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш тўғрисида”ги қонун ҳамда ОИВ инфекцияси эпидемиясининг олдини олишга қаратилган қонун ва қоидалар мавжуд. ОИВ инфекцияси тарқалиши олдини олишнинг асосий жиҳатларидан бири соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишдир. Соғлом турмуш тарзининг асосини кундалик жисмоний фаоллик, рационал овқатланиш, баданнинг қотиб қолиши, тўғри дам олиш, ёмон одатлар ва стрессли шароитларнинг олдини олиш ташқил этади. Профилактик ишларнинг иккинчи йўналиши - ОИВ инфекциясини самарали олдини олишнинг асосий тамойили ҳақида ёшларга маълумот бериш, бу вируснинг юқишини тўхтатиш.

Хулоса: Шундай қилиб, тўпланган маълумотлардан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикасининг ОИВ инфекцияси билан касалланишнинг кўп йиллик динамикида 2000-2018 йиллар ҳолати қарайдиган бўлса 2009 йилда ҳамда 2013 йилларда касалланиш динамикаси 231 нафарга ошганлигини кўрамыз. 2018 йилда 3032 ҳолат қайт этилган бўлиб, касаллик динамикаси бир оз пасайганлигини кўрамыз.

Жинслар бўйича ОИВ-инфекциясининг ретроспектив эпидемиологик таҳлил натижаларига кўра аёллар улуши 2016 йил билан 2000 йиллар оралиғида 2,6 % ошганлигини, 2005 йил билан солиштирганимизда эса 2,1% ошганлигини



кўрсатади. Аёллар улушини кўрсаткич сабаблари эркакларга нисбатан текширувларга кўпроқ мурожат этишларидир.

Литература

1. Информационный бюллетень №- //Глобальная статистика по ВИЧ, Основные факты// 30 ноября 2020.
2. Информационное письмо Республиканского центра по борьбе со СПИДом, 2019.
3. Матназарова Г.С., Неъматова Н.У. “Эпидемиологическая ситуация по ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан” – Материалы //XXXIX Международной научно-практической интернет-конференции//. Переяслав-Хмельницкий – 2018. С. 516-519.
4. Неъматова Н.Ў., Матназарова Г.С., Абдукахарова М.Ф. //ОИВ-инфекциясининг эпидемиологияси ва профилактикасини//. Ўқув-услубий кўлланма. Тошкент. 2021. 54 б.
5. Неъматова Н.Ў., Матназарова Г.С., Абдукахарова М.Ф., Кутлымуратова Г.Д. Эпидемиологические особенности ВИЧ-инфекции в Республике Узбекистан. Журнал //Теоритическое и клинической медицины//. Тошкент. 2020. С. 130-131
6. Покровский В.И. СПИД. / В.И. Покровский В.В. Покровский – М.: Медицина, 1988. – 45
7. Развитие эпидемии СПИД ЮНЭЙДС, ВОЗ, 2019 г.
8. Серебровская О.Л. //Клинико-лабораторная, эпидемиологическая и социально-демографическая характеристика ВИЧ-инфекции в Южно-Уральском регионе российской федерации //Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата медицинских наук. Санкт-Петербург – 2017.
9. Справка ВИЧ-инфекция в Российской Федерации в первом полугодии 2019 г. © Федеральный научно-методический центр по профилактике и борьбе со СПИДом ФБУН Центрального НИИ эпидемиологии Роспотребнадзора.